

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали камбағаллик қисқартирилади

Давлатимиз раҳбари иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирларини тасдиқлади (26.03.2020 йилдаги ПФ-5975-сон Фармон, ҳужжатнинг матни «СБХ» ушбу сонининг ҳужжатлар пакетида берилмоқда).

Президент Фармонига мувофиқ Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) этиб қайта ташкил этилди. Энди барча ўрта муддатли ва қисқа муддатли концепциялар, тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш стратегиялари ва дастурлари янги идора билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади.

Шунингдек, қабул қилинадиган ижтимоий-иқтисодий дастурлар ва қарорлар Вазирлик томонидан камбағаллик даражасига таъсирини баҳолаш нуқтаи назаридан экспертизадан ўтказилади. Бундан ташқари, у рақобат ва монополияга қарши курашиш, техник регламентларни ўрнатиш, ер муносабатларини тартибга солиш ва ҳоказо бўйича чоралар ва сиёсатларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлашда иштирок этади.

Идорага макроиқтисодиёт, камбағалликни қисқартириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланти-

риш, давлат иштирокидаги корхоналарни трансформация қилиш, давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқа соҳаларда қатор вазифалар белгиланди.

Камбағаллик даражасини қисқартириш борасидаги чора-тадбирларни молиялаштириш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағларидан 2020 йилда Вазирликка 100 млрд сўм ажратилади.

Қайта ташкил этиш баъзи агентликларга ҳам дахл қилди:

➢ Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги – энди барча вилоятлар, шаҳар ва туманларда бўлимлари билан **Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги**;

Урбанизация агентлиги тугатилади ҳамда ўзининг функция ва вазифаларини Вазирликка ўтказди.

Шунингдек, ЛБМА қошидаги Абу Райҳон Бериуний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби ҳамда Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази ва унинг ҳудудий филиаллари Вазирлик тасарруфига ўтказилади. Унинг негизида Нукус ва барча вилоят марказларидаги ҳудудий филиаллари билан **Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби** ташкил этилади. У корпоратив бошқарув ва тадбиркорлик соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича олий таълим муассасаси ҳисобланади.

2020 йил 1 октябрга қадар:

➢ 2030 йилгача республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси;

➢ 2030 йилгача республика саноатини ривожлантириш стратегияси;

➢ Камбағалликни камайтириш дастури;

➢ 2021 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудларида минимал истеъмол савати ва яшаш минимуми жорий этилиши юзасидан тегишли қарор лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларни хусусийлаштириш бўйича Сирдарё вилоятида ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент муддати 2021 йил 1 мартга қадар узайтирилади (экспериментнинг дастлабки муддати – 1.02.2020 йилга қадар). «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларни хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг кучга кириш муддати ҳам худди шу муддатга қадар узайтирилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 27.03.2020 йилдан кучга кирди.

Ленара Хикматова, «Norma» МЧЖ эксперти.

КАДРЛАР БЎЛИМИ

Қандай қилиб ходимларни тўлиқсиз иш вақтига ўтказиш мумкин

Меҳнатга ҳақ тўлашни илгариги даражада сақлаб қолиш учун пул етарли бўлмаса ва шу билан бирга ўз ходимларини сақлаб қолишни хоҳласа, иш берувчи қандай йўл тутиши лозим? Ходимларнинг бир қисмини тўлиқсиз иш вақтига ўтказиш мураккаб аҳволдан чиқиш йўли бўлиши мумкин. Бунда меҳнат қонунчилигининг барча талабларига риоя қилиш лозим. Саволларга юридик фанлари номзоди, Меҳнат кодексининг муаллифларидан бири Михаил ГАСАНОВ жавоб берди:



– Бунинг учун ходимнинг розилигини олиш, у бундай режимда ишлайдиган муддатни белгилаш, тўлиқсиз иш вақти турини ўрнатиш зарур.

Тўлиқсиз иш вақти шартларидаги иш учун тўлов ишланган вақтга мутаносиб равишда, ишбай ҳақ тўлашда эса ишлаб чиқарилган маҳсулотга боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Бундай иш вақти пенсия ҳуқуқини берадиган стажга киритилади, муайян вақт ишда бўлиш лозим бўлган имтиёзли пенсия бундан мустасно.

Меҳнат кодексига асосан бундай шартлардаги иш меҳнат ҳуқуқларини чекламайди ва таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига тўлиқ қўшилади.

Тўлиқ ёки тўлиқсиз вақт ишлайдиган ходимларга бир хил давомийликдаги таътил тақдим этилади. Ягона фарқи:

агар ходим тўлиқсиз иш вақтида ишласа, таътил пули миқдори, табиийки, камроқ бўлади.

– **Тўлиқсиз иш вақти турини қандай белгилаш мумкин?**

– Ходимга тўлиқсиз иш вақтининг қуйидаги турлари белгилиниши мумкин:

1. Тўлиқсиз иш куни. Бу ҳолда ходим ҳафтада тўлиқ иш кунлари сонидан меҳнат қилади (корхонада ўрнатилган иш ҳафтаси турига боғлиқ ҳолда 5 ёки 6), бироқ кунлик иш соатлари сони камаяди.

2. Тўлиқсиз иш ҳафтаси. Бундай режим иш куни давомийлиги сақланган ҳолда иш кунлари сонининг камайишини билдиради. Масалан, 5 кунлик иш ҳафтасида ходим фақат 3 тўлиқ кун ишлайди.

3. Иш куни ва иш ҳафтаси давомий-

лигининг бир вақтда камайиши. Бундай иш режими ўрнатилганда ҳам кунлик иш соатлари сони, ҳам ҳафтада иш кунлари сони камаяди. Масалан, ҳафтада 4 кун 4 соатдан.

– **«Ходим рози бўлган тақдирда» ибораси нимани аниқлатади? Бу дастлаб буйруқ чиқарилади, ходим эса унга имзо қўйишини билдирадими? Ёки у биринчи ариза ёзиши, шундан кейин буйруқ чиқарилиши шартми? Бунда меҳнат шартномасига қўшимча келишув тузиш лозимми?**

– Ходим доим тўлиқсиз иш вақти шартларида ишласа, бу у билан тузилган меҳнат шартномасида келишиб олинмиши шарт. Бу ерда қуйидаги иккита вариант бўлиши мумкин:

1. Ходим ишга тўлиқсиз иш вақти шартларида қабул қилинса, меҳнат

шартномасига ушбу шарт дарҳол киритилиши керак.

2. Илгари тўлиқсиз иш вақти шартларида меҳнат қилган ходим тўлиқсиз иш вақти шартларида доимий ишга ўтказилса, у билан меҳнат шартномасига қўшимча келишув тузиш лозим.

– **Ходим тўлиқсиз иш вақтига вақтинча ўтказилсачи?**

– Бу ҳолда қўшимча келишув тузишнинг зарурати йўқ. Ходим ариза берса, иш берувчи эса янги шартларда иш муддатини мажбурий кўрсатган ҳолда тегишли буйруқ чиқарса, етарли бўлади.

Тўлиқсиз иш вақти шартларидаги ишни назарда тутувчи ҳужжатларда (меҳнат шартномаси, қўшимча келишув, иш берувчининг буйруғи):

➢ тўлиқсиз иш вақти

2-бетда

Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

ХУМШдаги қарздорликдан халос бўлишнинг 12 қадами

7-БЕТ

Ўғай акам мерос олишга ҳақлими

8-БЕТ

Мунтазам «касал» бўладиган ходимни ишдан бўшатса бўладими?

1-бетда Қандай қилиб ходимларни тўлиқсиз иш вақтига ўтказиш мумкин

тури аниқ кўрсатилиши (тўлиқсиз иш кунни, тўлиқсиз иш ҳафтаси ёки уларнинг бир вақтда ўрнатилиши);

➢ бундай шартлардаги ишнинг аниқ давомийлигини белгилаш;

➢ ходимнинг иш режимини (ишнинг бошланиш ва тугаш вақти, ишда танаффус вақти ва ҳ.к.) белгилаш шарт. Бунда, агар иш кунни давомийлиги 4 соатдан ошмаса, тушлик учун танаффус тақдим этилмаслиги мумкин.

– **Тўлиқ иш вақтидан тўлиқсиз иш вақтига фақат ходимнинг ташаббуси билан ўтказиш мумкинми?**

– Йўқ, иш берувчи ҳам тўлиқсиз иш вақтига ўтказиш ташаббуси билан чиқиши мумкин. Муҳими, меҳнат шартномаси тарафлари келишувга эришиши ва бу расмийлаштирилмаган ҳужжатларда тўғри ифода этилиши керак.

➢ ходим тўлиқсиз иш вақтига ўтказиш ташаббуси билан чиқса, ўз ариза-

сида у куйидагича ёзади: «Менга тўлиқсиз иш вақтини (тўлиқсиз иш кунни, тўлиқсиз иш ҳафтаси) ўрнатишингизни сўрайман»;

➢ ташаббус иш берувчига тегишли бўлса, ходим аризасида куйидагиларни ёзиши мумкин: «Менга тўлиқсиз иш вақти ўрнатилишига қарши эмасман».

– **Ходимларнинг қайси тоифаларига иш берувчи уларнинг талабларига биноан тўлиқсиз иш вақтини ўрнатиши шарт?**

– Бундай тоифаларга куйидагилар кирди (МК 229-м.):

➢ ҳомиладор аёллар;

➢ 14 ёшга тўлмаган боласи (16 ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор, шу жумладан ҳомийлигида шундай боласи бор аёллар;

➢ оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахслар.

Аёлларга оналик билан боғлиқ ҳолда берилмаган кафолатлар ва имтиёзлар, болаларни онасиз (она вафот этган, оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган, узоқ вақт даволаш муассасаларида бўлган ва шунга ўхшаш бошқа ҳолларда) тарбиялаётган оталарга, шунингдек вояга етмаган болаларнинг васийларига (ҳомийларига) ҳам татбиқ этилади.

Бундай кафолатлар ва имтиёзлар орасида тунги ишларга ва иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб этишни ва хизмат сафарларига юборишни чеклаш, шунингдек қўшимча таътиллари бериш, имтиёзли иш режимларини ўрнатиш ҳам бор. Ушбу кафолатлар ва имтиёзлар шунингдек ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни амалда тарбия қилаётган бувиға, буваға ёки бошқа қариндошларга ҳам берилади (МК 238-м.).

ТМЭКнинг ногиронларга тўлиқсиз иш вақти режими ўрнатиш, уларнинг вазифасини камайтириш ва меҳнатнинг бошқа шартлари ҳақидаги тавсияларини бажариш иш берувчи учун мажбурийдир (МК 220-м. 2-қ.).

Шуни эътиборга олиш лозимки, қонун ҳужжатлари уларнинг мавжудлигида иш берувчи тўлиқсиз иш вақтини ўрнатиш бўйича ходимлар илтимосларини рад этишга ҳақли бўлган қандайдир вазиятларни назарда тутмайди.

Иш берувчининг келтириб ўтилган ҳолларда тўлиқсиз иш вақти ўрнатилиши тўғрисидаги талабни қаноатлантиришни рад этиши меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни бузиш сифатида баҳоланади ва мансабдор шахснинг МЖТКнинг 49-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Қисман ҳақ тўланадиган таътил қандай расмийлаштирилади

– **Карантин чоралари муносабати билан қорхонада иш тўхтатилган. Бўш туриб қолган вақт учун ходимларга ўртача иш ҳақини сақлаб қолишнинг молиявий жиҳатдан имконияти йўқ, улар эса ўзларига иш ҳақи сақлаб қолинмаган ҳолда берилмаган таътил тақдим этиш тўғрисида ариза ёзишдан бош тортишмоқда. Ушбу вазиятда ходимларга таътилни расмийлаштириш ва уларга, айтайлик, МҲЭКМнинг 1 баравари миқдорига ҳақ тўлаш мумкинми?**

– Ҳа, мумкин. Иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда таътил тақдим этиш имконияти ходимларнинг вакиллик органи билан келишилган ҳолда жамоа шартномасида ёки бошқа локал ҳужжатда ёзилиши керак.

Агар қорхонада жамоа шартномаси бўлмаса, бундай таътил тақдим этишнинг тафсилотларини ходим билан тузилган меҳнат шартномасига қўшимча келишувда келишиб олин.

– **Бироқ амалдаги Меҳнат кодексида ходимларга бундай таътил тақдим этилиши назарда тутилмайд.** Бу меҳнат қонунчилигини бузиш ҳисобланмайдими?

– Ҳақиқатан, амалдаги МК ходимга иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда таътил беришни назарда тутмайди. Бироқ МК – бу меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ҳақмаси эмас. Таътил мобайнида бундай ҳақ тўлаш тўғрисида Солиқ кодексининг 374-моддасида айтилган.

Бундан ташқари, МКнинг 4-моддаси 2-қисмига асосан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари (қонунлардаги нисбатан қўшимча) бошқа норматив ҳужжатлар, шу жумладан – шартнома йўсинидаги ҳужжатлар (жамоа келишувлари, жамоа шартномалари, бошқа локал ҳужжатлар), шунингдек ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномалари билан белгиланиши мумкин.

– **Таътил тақдим этилишига ходимларга қўшимча кафолат сифатида қараш мумкинми?**

– Фикримча, мумкин. Ушбу позицияни асослаш учун баъзи далилларни келтириб ўтаман.

1. Мазкур таътил йиллик меҳнат таътилидан ташқари тақдим этилади ва унинг давомийлигига таъсир кўрсатмайди.

2. Иш ҳақи сақланмайдиган таътилдан фарқли ўлароқ, қисман ҳақ тўланадиган таътил вақтида ходимга иш ҳақининг бир қисми сақланиб қолади.

3. Иш ҳақи сақланмайдиган таътил «пенсия» стажига ҳисобга олинмайди, иш ҳақи қисман сақлаб қолинган ҳолда берилмаган таътил эса ҳисобга олинмиши керак.

4. Жамоа шартномалари иш берувчи ходимнинг илтимосига кўра иш ҳақи қисман сақлаб қолинган ҳолда берилмайдиган таътил тақдим этиши шарт бўлган ҳолларни назарда тутиши мумкин. Ходим, масалан, бола туғилганда, яқин қариндоши вафот этганда ва касабга уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда жамоа шартномаси ёки бошқа локал ҳужжатда назарда тутилган бошқа ҳолларда иш берувчига шундай таътил берилишини сўраб мувожабат қилиши мумкин.

5. Бундай таътилни тақдим этиш ташаббуси кимга (ходимга ёки иш берувчига) тегишлилигидан қатъи назар, у фақат ходимнинг ёзма равишдаги аризаси асосида тақдим этилади, унда иш ҳақи қисман сақлаб қолинган ҳолда таътил тақдим этиш илтимоси ёки ходимнинг ушбу таътилдан фойдаланишга розилиги ифода этилади.

6. Ва ниҳоят, карантин чоралари оқибатида қорхона фаолиятининг тўхтатиб турилиши муносабати билан МКнинг 159-моддаси 1-қисмига мувофиқ бекор туриб қолинган вақтда ходимга унинг ўртача иш ҳақи сақланиши керак. Шубҳасиз, агар қорхонанинг молиявий имкониятлари чекланган бўлса, бу банкротликка, биробарин, ушбу қорхона ходимлари томонидан ишнинг йўқотилишига олиб келиши мумкин. Бу шароитларда ходимларга иш ҳақи қисман сақлаб қолинган ҳолда таътил тақдим этиш ходимлар учун ҳам, иш берувчи учун ҳам муқобил вариант бўлиши мумкин.

– **Локал ҳужжатда бундай таътил борасида қандай шартлар келишиб олинмиши даркор?**

– Локал ҳужжатда куйидагиларни белгилаб олиш лозим:

1) иш берувчи қисман ҳақ тўланадиган таътил тақдим этиш ташаббуси билан чиқишга ҳақли бўлган шартлар. Бу: фаолиятнинг вақтинча тўхтатилганлиги, реализация қилинадиган товарларга (хизматларга)

талабнинг кескин тушиши, форс-мажор ва бошқа ҳолатлар бўлиши мумкин;

2) бундай таътилни календарь йил мобайнидаги чекланган давомийлиги;

3) ходимга сақлаб қолинадиган иш ҳақи миқдори. Баъзи қорхоналарда ходимга унинг ўртача иш ҳақининг 60%, бошқа қорхоналарда 50% сақлаб қолинади. Бундай таътилни тақдим этишда ходимга иш ҳақининг қанча қисмини сақлаб қолиш тўғрисидаги масала касабга уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда локал ҳужжатда аниқ ёзилган бўлиши керак. Бундай таътил тақдим этиш даврида ходимга сақлаб қолинадиган иш ҳақи миқдори Ўзбекистонда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаслиги айтиб ўтилади.

Агар ходимнинг иш ҳақи қисман сақлаб қолинган ҳолда берилмайдиган таътилда бўлган даврида МҲЭКМ оширилса, ходимга тўланадиган иш ҳақи миқдорини ушбу ошишни инобатга олган ҳолда қайта ҳисоб-ки-тоб қилиш лозим;

4) таътилни расмийлаштириш таомили.
– **Агар иш берувчи қисман ҳақ тўланадиган таътил тақдим этиш ташаббуси билан чиқса, уни расмийлаштириш таомили қандай бўлади?**

– Куйидаги вариант бўлиши мумкин. Иш берувчи ходимга қорхона фаолиятининг тўхтатиб турилиши муносабати билан қисман ҳақ тўланадиган таътил тақдим этиш тўғрисидаги ёзма таклифни юборди. Унда куйидагиларни кўрсатинг:

➢ таътил тури;
➢ уни тақдим этиш сабаблари ва асоси;
➢ таътилни календарь кунлари сони;
➢ уни бошланиш ва тугаш саналари;
➢ ҳар ойлик тўловлар миқдори;
➢ тўловлар шакли. Масалан – ходимларнинг шахсий банк карталарига ўтказиш.

Таклиф билан танишгач, ходим тегишли ариза тақдим этган ҳолда ўз розилигини билдиради.

Ходимнинг розилигини олгандан кейин буйруқ чиқаринг. Унда таътил тўғрисидаги таклифда мавжуд бўлган барча маълумотларни кўрсатинг.

УШБУ СОНДА

- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали камбағаллик қисқартирилади **1-бет**
- **КАДРЛАР БЎЛИМИ**
– Қандай қилиб ходимларни тўлиқсиз иш вақтига ўтказиш мумкин
– Қисман ҳақ тўланадиган таътил қандай расмийлаштирилади **1-2-бетлар**

- **БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ**
– 2022 йилгача Ўзбекистонда замонавий ҳисоблагичларни ўрнатиш мўлжалланган
– ХУМШдаги қарздорликдан, халос бўлишнинг 12 қадами
– ХУМШ қарздор устидан даъво аризасини давлат божини тўламаган ҳолда бериши мумкинми?

- «Пилотлар» ўз ишини яқунлади
– Йўлақдаги электр шичти кимнинг ҳисобинда таъмирланади? **3-6-бетлар**
- **ЮРИДИК МАСЛАХАТЛАР**
– Меросга бўлган ҳуқуқсиз
– Вояга етган болаларга алиментлар
– Давлат божи тўламастан даъво билдириш

- НКМсиз тижорат **7-бет**
- **КАДРЛАР БЎЛИМИ**
– Қоғоз меҳнат дафтарчаларини юритиш шартми?
– ЯММТга қандай маълумотлар киритилади
– Мунтазам «касал» бўладиган ходимни қандай ишдан бўшатиш мумкин **8-бет**



МУНДАРИЖА:

- ✓ 2022 йилгача Ўзбекистонда замонавий ҳисоблагичларни ўрнатиш мўлжалланган
- ✓ ХУМШдаги қарздорликдан халос бўлишнинг 12 қадами
- ✓ ХУМШ қарздор устидан даъво аризасини давлат божини тўламаган ҳолда бериши мумкинми?
- ✓ «Пилотлар» ўз ишини яқунлади
- ✓ Йўлақдаги электр шчити кимнинг ҳисобидан таъмирланади?



«Ақлли» ҳисоб

2022 йилгача Ўзбекистонда замонавий ҳисоблагичларни ўрнатиш мўлжалланган

Нима бўлганда ҳам, ҳаёт давом этмоқда. Синовли кунлар орта қолиб, мамлакатимиз ўзининг доимий ҳаёт ўзанига қайтажак. УЖКХ турмуш тарзини таъминлаб берадиган асосий соҳалардан ҳисобланади. Шунинг учун бу соҳа билан боғлиқ масалалар фуқароларни ҳамма вақт қизиқтирадиган масалалар сирасига киради.

Олдинда электрон газ ҳисоблагичларини ўрнатиш ишлари долзарб бўлиб турибди. Бир қатор қонунбузилишлар билан кечган уй-жой фондида электр энергияси сарфини ҳисоблаш асбобларини ўрнатиш бўйича олиб борилган ҳайбарақаллачилик ҳаракатлари ҳали кўпчилиكنинг хотирасидан кўтарилгани йўқ. Эндиликда газ ҳисоблагичларини ўрнатиш чоғида худди шу хатоликларни такрорламаслик учун бизда вақт бор. «Худудгазтаъминот» АЖ матбуот хизмати ўзининг hududgaz.uz сайтида бу жараёнлар қандай бориши, нималарга эътибор қаратиш лозимлиги, қайси жиҳатларга тайёр туриш лозимлиги борасида фуқароларга кенг тушунтиришлар бериб бормоқда.

2022 йилга қадар республикада табиий газни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими (ГНХАТ) жорий этиш мўлжалланган. Бу Президентнинг 9.07.2019 йилдаги ПҚ-4388-сон қароридан назарда тутилган. Истеъмолчилар учун, умуман тармоқлар учун ҳам бу хайрли иш бўлгани шубҳасиз, фақат бир шarti шуки, автоматика пухта ишласин, носозликлар юз бермасин, уларни саводли ва ўз ишининг ҳадисини олган ходимлар бошқарсин.

Мутахассисларнинг тушунтиришича, маълумотларни бошқаришнинг олдинги тизими аллақачон эскириб бўлганлиги сабабли ГНХАТни жорий этиш заруратга айланган.

*Тахририят ихтилофи вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга ваколатли эмас.



Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Масалага кенгроқ қараганда, эски тизим мамлакатдаги газ истеъмолини самарали назорат қилишни йўлга қўйиш ва ҳисобини пухта юритишга имкон бермай қўйган. Шу туфайли етказиб берувчи, яъни энергетика мажмуасининг бутун бир бошли тузилмалари юзлаб миллиард сўмларни йўқотмоқда, дебитор қарздорликлари, истеъмоқ қилинган табиий газ ҳақини тўламайдиганлар сафлари ошиб кетмоқда. ГНХАТ истеъмоқчиларнинг қарздорлигига, носозликларга барҳам беришга ёрдамлашади, йўқотишларни қисқартиради, етказиб берувчини газдан ноқонуний фойдаланилиши тўғрисида хабардор қилади.

Бундан оддий истеъмоқчиларга нима наф? Гап шундаки, бугунги кунда маиший жабҳадаги истеъмоқчиларимизнинг тахминан 70%ида газ ҳисоблагичлари ўрнатилган. Ҳисоблагичларнинг фойдаланиш муддати 10 йилни ташкил этади. Улар ҳам жисмонан, ҳам маънан эскириб бўлган, нотўғри ҳисоблаш чегаралари йўл қўйиладиган меъёрлардан ошиб кетган. Ҳисоблагичларнинг айрим турларини ишлаб чиқарувчи заводлар умуман ишлаб чиқаришдан чиқариб юборганлар, уларга сервис хизмат кўрсатиш ҳам тўхтатилган. Кўрсаткичлардаги тафовулар ҳам шундан, яъни ҳисоблагичда бир рақам бўлса, биллинг тизимида – бошқача.

Автоматлаштирилган тизим замонавий электрон газ ҳисоблагичлари ёрдамида газ истеъмоли ҳисобини юритади ва назорат қилади. Бизга унинг афзалликларини тушунтиришади: бунда истеъмоқли ўлчашда юқори даражадаги аниқликка эришилади, ушбу маълумотларни реал вақт режимида узатиш имконияти бор, газ ҳисобини юритишнинг биллинг тизимидаги кўрсаткичларда акс эттирилганда ҳисоблаш асбобларига инсон аралашувига йўл қўйилмайди ва ҳоказоларни келтиришдаки.

Фуқаролар электрон газ ҳисоблагичлари барча тоифадаги истеъмоқчилар учун «Худудгазтаъминот» АЖ томонидан унинг маблағлари ҳисобига **ўрнатилишини** ҳамда бу асбобларнинг мулкдори шу ташкилот эканлигини билишлари лозим. Бу **истеъмоқчиларга ҳисоблаш асбобининг фақат сақланиши учун**, қолган бошқа ҳолатлар: ечиш-ўрнатиш, қиёслашдан ўтказиш, сервис хизмат кўрсатиш ва бу билан боғлиқ харажатлар учун эса етказиб берувчи жавобгар эканлигини аниқлатади. Замонавий газ ҳисоблагичлари 10 йилда бир марта қиёслашдан ўтказилади. Истеъмоқчилар унинг ўтказилиши тўғрисида хабардор қилинмайдилар, Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХПга буюртмалар бериб ўтиришмайди. Буларнинг барчаси ҳисоблаш асбобларининг мулкдори сифатида етказиб берувчининг зиммасида бўлади. Яъни газ таъминоти ташкилоти ҳисоблагичнинг ишлаши билан боғлиқ бўлган барча дахмазалардан бизни тамоман озод этмоқчи, зеро, аслида шундай бўлиши ҳам лозимдир, сабаби ҳисоблаш асбоби етказиб берувчининг балансида ҳисобда туради-да.

Уй-жой фондини замонавий электр ҳисоблагичлар билан жиҳозлаш бўйича аниқ тажрибани ҳисобга олган ҳолда кўпчилик бу ҳолат яна тақоррланишидан хавотирда. Уларни ўрнатишда қоидабузарликлар содир этилмайди, кўрсаткичлар ҳақиқатда истеъмоқ қилинганидан ортиқча



кўрсатмайди, деган саволлар кишиларни қийнамоқда. Умуман олганда, электр ҳисоблагичлар билан бўлгани каби ортиқча бош оғригидан қутулиш мақсадида улардан воз кечса бўлмайди?

Мутахассислар газни ҳисобга олишнинг замонавий асбобларини ўрнатиш барча тоифадаги истеъмоқчилар учун мажбурийлигини тушунтиришади, сабаби бу ишлар мамлакатда ГНХАТ тизимини жорий этишни назарда тутувчи ПҚ-4388-сон қарорга мувофиқ амалга оширилади. Уй-жой фондини газни ҳисобга олиш асбоблари билан жиҳозлаш тартиби Энергия ресурсларини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олишнинг замонавий асбобларини ўрнатиш тартиби тўғрисидаги низом (ЭХНАТ) (АВ томонидан 4.05.2018 йилда 3005-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан белгиланади. Мазкур механизмдан хабардор бўлиш мақсадида Низом билан танишиб чиқилса бўлади. «Худудгазтаъминот» АЖ матбуот хизматидагилар газ ҳисоблагичларининг ўрнатилиши тўғрисида истеъмоқчилар ОАВ ва газ таъминоти ташкилоти орқали хабар берилишини айтишди. Хабар газ етказиб берувчи, Мажбурий ижро бюроси (МИБ) ва истеъмоқчи вакилларининг иштирокида ўтказилади.

Ҳар бир газ ўлчagида ишлаб чиқарувчи завод, «Ўзстандарт» агентлиги метрологик хизматининг пломбалари ўрнатилган бўлиши керак. Бундан ташқари, пломбаларни газ таъминоти ташкилоти МИБ билан биргаликда истеъмоқчининг иштирокида ўрнатади. Ҳисоблагич кўрсатмаларининг ишончлилигига нисбатан шубҳа бўлганда истеъмоқчининг иштирокида навбатдан ташқари ва эксперт қиёслашдан ўтказиш амалга оширилиши мумкин.

Мутахассислар газни ҳисобга олиш билан боғлиқ саволлар юзага келганда ҳар турли кабинетларга югуришнинг ҳожати йўқлигини истеъмоқчиларга тушунтиришади. Бунда фақатгина «Худудгазтаъминот» АЖнинг call-центр марказига (71) 200-08-04 ёки 1104 телефон рақамлари орқали, «Facebook» ижтимоий тармоқда «Газ таъминоти муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари» гуруҳининг саҳифасига мурожаат қилиш ёки зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда info@hududgaz.uz электрон манзилига аризани юбориш кифоя қилади.



ХУМШдаги қарздорликдан халос бўлишнинг 12 қадами

Коммунал хизматлар учун ҳақ тўламасдан юрадиганларга қараганда қарздорни умумий мол-мулкни сақлаб туришга мажбурий бадалларни тўлашга мажбурлаш амри маҳолдир. Коммунал тўловларни тўламайдиганлар билан ишлашимиз осонроқ. Фаолиятида катта ваколатлар берилган Бош прокуратура ҳузурдаги Мажбурий ижро бюроси (МИБ) ходимлари коммунал хизматларни етказиб берувчиларнинг белига қувват, билагига дармон бўлди. Ширкатларда эса аҳвол ўзгача. Бу ерда ёндашув шундай: ХУМШлар – жой мулкдорларининг ўз ташкилоти бўлиб, қарзга ботган ширкат аъзоларига қандай муомала қилишни ўзлари ҳал этишади.

МИБ ходимлари ихтиёрида катта имкониятлар бор – улар коммунал хизматлар бўйича қарздорларга таъсир кўрсатишнинг кенг дастакларидан фойдалана оладилар. Истеъмомчини коммунал маҳсулот етказиб берилишидан узиб қўйишдан ташқари, квартирада рўйхатдан ўтганларни истеъмом қилинган коммунал хизматлар учун тўловларни тўлашда солидар жавобгарлиги, қарздорликни истеъмомчининг пластик картасига хизмат кўрсатаётган банк ҳисобрақамларидан сўзсиз ундириш, йирик битимларни тузишга, алоҳида турдаги молия-кредит хизматлари ва халқаро йўловчилар ташиш хизматларини олишга тақиб қўйиш қўлланилмоқда ва ҳ.к.

Ширкат эса қарздорлар билан ишлашда асосан привентив таъсир чораларини қўлламоқда. Бу тушунтириш, огоҳлантириш, таъсир ўтказиш ишлари бўлиб, самараси у қадар юқори бўлаётгани йўқ. ХУМШлар бизда қарздорликни суд тартибидан ундиришнинг амалиётидан тўлиқ фойдаланмайдилар. Биринчидан, судга даъво киритаётганда ширкатлар ҳозир бож тўлашмоқда. Иккинчидан, қўшни билан судлашиш – менталитетимизга тўғри келмайдиган ноодатий чора. Учунчидан, даъво киритганда ҳатто суднинг ҳал қилув қарори бўлган тақдирда ҳам қарз пулини ундириб олиш ҳалигача осон бўлаётгани йўқ. Айрим ХУМШлар ҳакамлик судлари билан шартнома тузадилар, лекин хизмат ҳақини тўлаш қимматга тушмоқда. Шунинг учун ХУМШнинг асосий қисми қарздорлар билан ишлашда келишиш-шартлашиш ва бошқача огоҳлантириш чораларидан нарига ўта олмаяпти. Оқибати эса – кўриб турганимиздек ҳолат. Нима бўлганда ҳам қарздорга қандай таъсир ўтказиш ва маблағларни қандай қилиб ундириш кераклиги саволлигича қолаётди.

Қарздорликни қисқартиришнинг судгача бўлган амалиёти

1-ҚАДАМ. Қарздор билан ишни қачон бошлаш керак

Уй-жой кодексининг 134-моддасига мувофиқ кўп квартиралли уйлардаги турар жойлар мулкдорлари умумий мол-мулкни сақлаш харажатларини ўтган ойдан кейинги

ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тўлайди. Демак, бадал пулини киритмаган мулкдорни 11-кундан бошлаб қарздор деб ҳисобласа бўлади. Лекин кўпгина ХУМШларнинг раҳбарлари маблағларни бунчалик қисқа муддатда талаб қилиш самарали эмас, деб ҳисоблашади. Мажбурий тўловлар бўйича қарздорлар билан ишни қачон бошлаш кераклигини ширкат мустақил ҳал қилади – қонун ҳужжатларида бу муддатлар белгиланган эмас. Амалиётда эса бундай ишлар кўпинча қарздорлик 2–3 ойлик бўлиб кетгандан кейин бошланади.

2-ҚАДАМ. Мажбурий бадалларни киритиш қоидаларини ишлаб чиқиш

Тўлов интизомини мустаҳкамлаш учун ширкат умумий мол-мулкни сақлашга мажбурий тўловларни киритишнинг ички қоидаларини ишлаб чиқиши ва уларни ХУМШ умумий йиғилишида тасдиқлаши мумкин. Қоидаларда мажбурий бадаллар қандай шаклланиши, уларни киритиш муддатлари, сўндириш имкониятлари, қоидаларни бузганда кўзда тутилмаган жавобгарлик ва ҳоказолар кўрсатилиши мумкин. Ушбу регламентни ширкатнинг уставига ҳам киритса бўлади.

3-ҚАДАМ. Қарздорлар билан ким ишлаши лозим

Мажбурий бадаллар бўйича қарздорликни ундириш ишлари билан одатда, ХУМШ раҳбарлари (бошқарув аъзолари), ёхуд БК ёки шартнома бўйича жалб этилган ҳуқуқшунослар (бундан кейинги ўринларда ваколатли шахслар деб юритилади) шуғулланади. Агар бу юмушга ширкат раиси енг шимарса, аксарият ҳолларда томонлар ўртасида келишимовчиликлар юзага келади. Бундай қалтис вазият юзага келмаслиги учун, масалан, қарздорлар билан масалаларни ҳал этиш бўйича комиссияни тузиб, унинг таркибига умумий йиғилишда сайланган ХУМШнинг баобрў аъзоларини киритиш мумкин.

4-ҚАДАМ. Аввал гаплашиб кўринг

Ваколатли шахслар қарздорларни қарз маблағларини тўлаб қўйиш зарурлиги, акс ҳолда бу иш суд тартибидан амалга оширилиши хусусида хабардор қиладилар. Қарз-

дорлар туфайли қўшилнар мураккаб аҳволда қолаётгани, ширкат сметада режалаштирган ишларни ўткази олмаётгани, кредитни ўз вақтида сўндириб бўлмаётганини тушуниришади. Пировардида уларнинг айби билан мажбурий бадал миқдорлари кўтарилаётгани аниқлашади. Қарздорлик тўлаб қўйилмаса, ширкат судга мурожаат қилишга мажбур бўлиши айтилади. Бу ҳолатга олиб келмаган маъқул, сабаби мулкдор қарз пулини тўлашдан ташқари, унда давлат божи, жарима ва пеняларни ҳам тўлаш буйича қўшимча харажатлар юзага келади.

5-ҚАДАМ. Қарздорлик юзага келиши сабабларини ўрганиш

Қарздорлар билан ўзаро муносабатлар стратегиясини белгилашдан олдин бадал тўламаслигининг асосий омилларини аниқлаш керак. Мулкдорларнинг ширкат ишларидан норозилиги шундай омиллардан бири бўлиши мумкин. Одатда ширкат мажбуриятларини бажармаганда бундай норозилик юзага келади. Энг инсофли тўловчилар – бу пенсионерлар ва даромади ўртача бўлган кишилардир. Аксинча, сурункали қарздорларнинг кўпчилиги ўзига тўқ оилалар бўлиб, улар онгли равишда маблағларни тўлашни исташмайди. Квартираларда яшамайдиган, уй-жойини ижарага берувчи мулкдорлар ҳам қарздорлар рўйхатини «безамоқда». Мажбурий бадаллар буйича қарздорлик узрли сабабга кўра ҳосил бўлиши ҳам мумкин. Бу касаллик, мулкдорнинг оғир моддий аҳволда қолиши, ишсизлик, маошнинг, пенсиянинг ўз вақтида тўланмаслиги ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

6-ҚАДАМ. Қарздорликни сўндиришнинг муқобил усулларини таклиф этиш

1. Қарздорликни қайта таркиблаш. Масалан, уни жадалга мувофиқ қисмларга бўлиб сўндириш. Муқобил усуллардан фойдаланилганда томонлар ёзма келишувни тузадилар.

2. Қарздорликни умумий мол-мулкни сақлаш, ҳудудни тозалаш ва ҳ.к. буйича ишларни бажариш ҳисобидан қисқартириш.

3. Ширкатга (раҳбарият билан келишган ҳолда) қиймати қарздорликни сўндириш ҳисобига ўтказиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, инструментлар ва бошқаларни бериш.

4. Ширкат аъзолари умумий йиғилишининг қарори асосида қарздорлик тўлашини кечиктириш, уни кам таъминланган, пенсионер мулкдорлардан қисман ҳисобдан чиқариш.

5. Айрим ХУМШларнинг тажрибасида умумий йиғилиш қарори билан қарздорликни қисқартиришни рағбатлантирувчи чоралар қўлланилган. Ушбу чоралар орасида – мажбурий бадалларни ўз вақтида ёки бунақ сифатида олдиндан кiritганларга унинг миқдорини камайтириб бериш бор.

7-ҚАДАМ. Квартираларни ижарага ноқонуний берувчи қарздорларга таъсир кўрсатиш

Ширкат раиси қарздорларнинг ижарага бераётган квар-

тираларини текшириш учун участка милициясига ариза билан мурожаат қилади. Агар квартирантлар уй-жойнинг ижара шартномасиз яшаётган бўлса, бу – жарима тўлашни лозим бўлган қонунбузарлик ҳисобланади. Ширкат қарздорни ижара шартномаси тузиш ва мажбурий бадалларни тўлаш заруриги тўғрисида хабардор қилади. Ақс ҳолда у жойнинг ижара шартномаси мавжуд эмаслиги тўғрисида солиқ хизматиға хабар беради.

8-ҚАДАМ. Қарздорликни сўндириш тўғрисида огоҳлантирув

Қарздорлар билан ишлашга ваколатли бўлган шахслар муайян муддат давомида (қоида тариқасида, 5–10 кун оралиғида) мажбурий бадаллар буйича қарздорликни сўндириш заруриги тўғрисида уларга огоҳлантирув (хабардор қилган ҳолда почта орқали ёки ўзлари борган ҳолда имзо чектириб олиб) юборадилар. Биринчи огоҳлантириш эътиборсиз қолдирилган тақдирда, кўрсатилган муддатда қарздорлик сўндирилмаса, ширкат ундирув юзасидан судга даъво аризаси билан мурожаат қилишни мўлжаллаётганини кўрсатган ҳолда иккинчи огоҳлантиришни юборади.

9-ҚАДАМ. Қарздорларнинг рўйхатлари: фақат шахсий маълумотларсиз

Айрим ХУМШлар исми, фамилияси, манзили ва қарз қийматини кўрсатган ҳолда қарздорларнинг рўйхатларини илиб қўядилар. Бу шахсий маълумотларни ноқонуний тарзда ошкор қилишга қиради, мулкдорлар бу ҳолда маънавий зарар учун компенсация ундириш билан ўз ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида судга мурожаат қилишлари мумкин. Фақат қарз миқдори ҳамда уй ва квартира рақамини кўрсатиш мумкин.

10-ҚАДАМ. Қарздорларни электр энергиясидан узиб қўйиш ноқонуний

Айрим ширкатларда қарздорликни сўндириш тўғрисидаги хабарномаларни безъэтибор қолдирган қарздорларга нисбатан кескин таъсир чоралари, уларга электр энергияси етказиб беришни узиб қўйишга чоралар қўлланилган. Бу ноқонуний чоралар сирасига қиради, унинг юзасидан мулкдорлар суд тартибидан низолаша оладилар. Электр энергияси истеъмоли учун мажбурий тўловлар истеъмолчи томонидан белгиланган муддатларда тўланмаган тақдирда фақат МИБ ходимлари электр энергиясини узиб қўйишлари мумкин (*ВМнинг 10.07.2017 йилдаги 478-сон қарори*).

11-ҚАДАМ. Мажбурий бадалларни ноқонуний тарзда ўз вақтида тўламаганлик учун ширкат томонидан пеняларнинг ҳисобланиши

Ширкатларнинг айрим раҳбарлари баъзида кўп квартиралари уйлардаги умумий мол-мулкни сақлашга мажбурий бадаллар билан коммунал хизматларга мажбурий тўловларни чалқаштириб юборадилар. Умумий мол-мулкни сақлашга мажбурий бадаллар ўз вақтида тўланмаганлиги учун пеняларни ҳисоблаш қонун ҳужжатларида кўрсатил-

маган. Коммунал хизматларга ҳақ тўланмаганлиги учун эса Уй-жой кодексининг 134-моддасида пеня кўллаш белгиланган. Пеня – неустойканинг шакли бўлиб, қонунда ёки шартномада белгиланган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилмаганлиги учун жарима санкциясидир. Ширкатда мажбуриятлар шартнома асосида эмас, балки қонун ва ХУМШ устави асосида юзага келади. Коммунал хизматларни кўрсатишда эса истеъмолчи ва етказиб берувчи хизматларни кўрсатиш бўйича ўзаро шартнома тузадилар, улар бузилганда жарима санкцияларни (пеня) тўлаш назарда тутилади.

12-ҚАДАМ. Ҳужжатларни судга бериш

Қарздорга судгача бўлган таъсир чоралари иш бермагандан кейин судга мурожаат қилишдан ўзга чора қолмайди. Ширкат 3 та ҳужжатлар пакетини тайёрлайди, улардан 2 таси суд органига топширилади, 1 таси ХУМШда қолади. ҳужжатлар пакети куйидагилардан иборат бўлади:

1) иловасида тақдим этилган барча ҳужжатлари кўрсатилган даъво аризаси (нұсхалар ва саҳифаларнинг миқдори);

2) хабардор қилганлик тўғрисидаги қвитанциялар ёки олганлик тўғрисидаги мулкдорнинг имзоси кўйилган ҳолда тўловни амалга ошириш зарурлиги ҳақидаги огоҳлантирувнинг нұсхалари;

3) 17-шаклдаги маълумотнома;

4) қарздорлик тўғрисида шахсий ҳисобварақдан ҳар ой учун кўчирма нұсха;

5) ширкатни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳноманинг кўчирма нұсхаси;

6) ХУМШ раисининг ушбу лавозимга сайланишини тасдиқловчи умумий йиғилиш баённомасидан кўчирма нұсха;

7) ширкат раисининг паспорт нұсхаси;

8) даъво аризаси ваколатли шахс томонидан берилган тақдирда, у даъвогарнинг (ХУМШнинг) вакили ҳисобланганини тасдиқловчи ХУМШнинг ишончномаси бўлиши керак;

9) давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги қвитанция;

10) жилд.

ХУМШ қарздор устидан даъво аризасини давлат божини тўламаган ҳолда бериши мумкинми?

Илгари мажбурий бадалларни тўлаш бўйича қарздорликни ундиришга доир даъво аризасини бераётган ХУМШ давлат божини тўлашдан озод этилган эди. Эндиликда улар давлат божини умумий тартибда тўлайдилар.

«Давлат божи тўғрисида»ги янги Қонунга (6.01.2020 йилдаги УРҚ-600-сон) мувофиқ ХУМШ уни тўлашдан озод этилган юридик шахслар рўйхатида киритилмаган.

Давлат божи ставкаларининг миқдорлари Қонун иловасида белгиланган. Фуқаролик ишлари бўйича судларга бериладиган мулкий хусусиятга эга даъво аризаларидан даъво баҳосининг 4 фоизи миқдорида, бироқ БҲМнинг 1 бараваридан кам бўлмаган миқдорда ундирилади. Иқтисодий судларга бериладиган даъво аризаларидан даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида, бироқ БҲМнинг 1 бараваридан кам бўлмаган миқдорда ундирилади.

Давлат божини тўловчисига айлангандан кейин ХУМШлар мажбурий бадаллар бўйича қарздорликни ундириш тўғрисидаги даъволар билан судларга камроқ мурожаат қиладиган бўлишди, ваҳоланки, умуман олиб қараганда, бундай қарздорликлар ширкатларда юқорилигича қолмоқда. ХУМШ раҳбарлари бу ҳолни маблағлар кредитларни сўндиришга кетиб қолаётгани ҳамда ҳисобкитоб счётида деярли эркин маблағлар қолмаётгани билан изоҳлашади. Шунинг учун бугунги босқичда даъво аризасини бераётганда давлат божини тўлаш улар учун оғирлик қилаётир. Бу эса қарздорликни суд тартибда

қисқартириш бўйича ишларни амалга оширишда муайян тўсиқ бўлмоқда.

Бу фикр мулоҳазага ўрин қолдиради. Чунончи, ундирилган қарздорлик суммаси ХУМШнинг давлат божи харажатларини қоплайди-ку ахир. Бу вазиятда ширкат ўзига тегишли бўлган ҳақни қайтариб олиш учун бироз харажатдан қочмаслиги тўғри бўларди чамамизда. Лекин ХУМШларнинг қарздорларга нисбатан киритган даъволари бўйича суд қарорларининг ижроси ҳали-ҳануз аччиқ ичакдек чўзилиб келяпти-да. Суд иши бир кун давом этмайди. Мажбурий бадаллар бўйича қарздорликни ундириш осон иш эмас. Алалхусус, ХУМШнинг барча маблағлари кредитни қоплашга кетаяпти, қарздорлар эса қарздорлигича қолмоқда. Шунинг учун ширкатларнинг даъво аризаларини давлат божисиз бериш имконияти ҳақида яна ўйлаб кўриш керакка ўхшайди.

ХУМШларнинг бир қисми ёрдам сўраб ҳакамлик судларига мурожаат қилади, бу ерда давлат божини тўлаш керак эмас. Лекин шартнома шартларига биноан хизматлар ҳақи ундирилган қарздорлик суммасининг 20 фоизигачани ташкил этади. Кўплаб ширкатлар бундай хизматларни рад этишмоқда, бунга ҳам маблағнинг йўқлиги сабаб.

ХУМШ қайси бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга ариза билан мурожаат этган юридик ва jisмоний шахслар фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлашдан озод қилинади (*Қонуннинг 8-моддаси*). Шу билан бирга Фуқаролик процессуал кодекснинг 52-моддаси ҳамда Иқтисодий процессуал кодекснинг 50-моддасида давлат органлари ва бошқа шахслар юридик шахсларнинг, фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво аризаси (ариза) тақдим этиши мумкинлиги белгиланган.

Ширкат даъвои бож тўламасдан бера олиши учун бундай имкониятдан фойдалана оладими? ХУМШ бошқа шахсларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган қандай ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қила олади ва бу унинг давлат божини тўламаслиги учун етарлича асос бўладими?

Ширкат нотижорат нодавлат ташкилоти ҳисобланади ҳамда ўз аъзоларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бу турар жой мулкдорларининг бирлашмаси бўлиб, кўп квартиралли уй-жой фондини бошқариш, сақлаш, асраш ва таъмирлашни таъминлаш учун ташкил этилган.

Қонун ҳужжатларида мувофиқ турар жой мулкдорлари кўп квартиралли уйлардаги умумий мол-мулкдан фойдаланишда тенг ҳуқуққа эгалар. Тўловлар бўлмаганлиги сабабли ширкат кредит маблағлари билан вақтида ҳисобитоб қилолмайди, ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан режалаштирилган ва тасдиқланган ишлар ва таъмирлашларни бажара олмайди, демак турар жой мулкдорларига мулкчи зарар етказилади.

Бу зарар шундан иборатки, одамлар иссиқликсиз қолишади, томларидан чакка ўтади, канализация тизими таъмирланмай қолади ва ҳ.к. Натижада – қарздорлар туфайли уйнинг техник ҳолати ёмонлашади, ХУМШ аъзоларининг елкасига тўлов юки тушади. Мўлжалланган ишларни бажариш учун ширкат бадал миқдорини оширишга, қарз-кредит олишга мажбур бўлади. Бу эса, табиийки, мулкдорлар манфаатини бузади ва уларнинг етказилган зарарни бартараф этишга тўлиқ ҳуқуқи бордир.

Бундай ҳолда ширкат турар жой мулкдорларининг вакили сифатида ўз аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ҳақли бўлади. Шундан келиб чиқиб, пухта асосланганда ХУМШ қарздорликини ундириш тўғрисида даъволарни бож тўламасдан бериши мумкин.

Юқорида келтирилган ёндашув бир қатор норматив-ҳуқуқий қўжатлар мажмуасидан келиб чиқади ва умидбахш аҳамиятга эга. Бу амалиётда қандай ишлайди? Бизнинг ХУМШ раҳбарларимиз кўп ҳам бош қотиришни истамайди. Шунга қарамай, бу мажбурий бадаллар бўйича қарздорликини ундиришга доир ишда муқобил йўл сифатида қабул қилиниши мумкин.

Ваколатли органларнинг тушунтириши талаб қилинади

Лекин юқорида келтирилганлар билан Вазирлар Маҳкамасининг 18.04.2001 йилдаги 178-сон қарори 6-бандида белгиланган ХУМШ қарздорликини ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича давлат божини тўлашдан озод этилади, деган меъёрлар қай тарзда бир-бирига мувофиқ келади, тушунмайман.

Ҳамма учун очик ҳуқуқий базада ВМнинг 178-сон қарори бекор қилинганлиги, хусусан, ХУМШни қарздорликини ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича давлат божини тўлашдан озод этилиши тарзидаги имтиёз бекор қилинганлиги тўғрисида ахборот мавжуд эмас. У ҳолда савол туғилади: суд амалиётида ушбу меъёрни қўлласа бўладими?

Гап шундаки, Қонуннинг 8–9-моддаларида давлат божини тўлашдан озод қилинадиган jisмоний ва юридик шахсларнинг рўйхати келтирилган бўлиб, унда ХУМШ мавжуд эмас.

Лекин Қонуннинг 7-моддасида 2020 йил 1 январга қадар қабул қилинган бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ва ушбу Қонунда назарда тутилмаган давлат божини тўлашдан озод қилиш ушбу ҳужжатларнинг амал қилиш мuddати тугагунга қадар кучда қолиши белгиланган.

Алқисса, шулардан келиб чиқилганда, қарздорликини ундириш бўйича даъволарни бераётганда ширкат божни тўламаслиги керак, деган хулоса чиқариш мумкин. Судлар ХУМШдан давлат божини тўлашни талаб қилаётган бир пайтда мазкур масала Адлия вазирлиги ёки Олий суднинг тушунтиришини ҳам талаб қилади.

Бож тўланмайдиган даъволар масаласи нима учун кўтарилмоқда

Ўз вақтида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида улар қарздорларга нисбатан мажбурий бадаллар бўйича даъволарга доир божларни тўлашдан озод этилган эди. Ҳозирда ХУМШ ҳам мураккаб паллаларни бошдан кечирмоқда – уйларни мукаммал таъмирлаш учун олинган кредит маблағлари омвий тарзда қайтарилмоқда. Бу жараёнга бир неча йил кетади. Ана шундай босқичда судларда бож тўлашдан озод этиб, ширкатларни яна бир бор қўллаб-қувватлаш керак эмасми?

Бож тўланмайдиган даъволар масаласи нима учун кўтарилмоқда? Ахир даъвогар даъвои бераётганда божни тўлар экан, унда ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ барча харажатлар, шу жумладан давлат божига чиқимлар жавобгарнинг ҳисобидан қопланишини талаб қилиши мумкин-ку? Иш даъвогарнинг фойдасига ҳал бўлган тақдирда, у мазкур қопламани олади. Лекин бу иш қачон амалга ошади?

Ҳамма муаммо шундаки, кредитларни сўндиргандан сўнг жорий эҳтиёжлар учун ХУМШда арзимаган маблағ қолади. Шу маблағ бир қисмининг давлат божини тўлашга

олиб қўйилиши ширкат фаолиятига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Шунинг учун масаланинг моҳиятига қараш лозим: суд тартиб-таомилларини шундай ўтказиш кераки, уй-жой фондида хизмат кўрсатиши билан боғлиқ

масалалар тезкор тарзда ҳал этилсин. Модомики бунинг иложи топилмас экан, масала ечими сифатида бож тўланмайдиган давволар хусусида ўйлаб кўриш ортиқчалик қилмайди.



Тажриба: яқунлар чиқарилди

«Пилотлар» ўз ишини яқунлади

Ўзбекистонда 2022 йилга қадар тўлиқ жорий этиладиган табиий газни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими (ГНХАТ) тажриба (пилот) лойиҳалар сифатида бир қатор минтақаларда апробациядан ўтди. У ҳам маиший, ҳам улгуржи истеъмолчилар орасида синовдан ўтказилди. Президентнинг 9.07.2019 йилдаги ПҚ-4388-сон қарори билан ушбу лойиҳани амалга ошириш «Худудгазтаъминот» АЖ зиммасига юклатилган. Айти вақтда пойтахт ва Тошкент вилоятининг бир қанча туманларидаги қатор маҳаллаларда ишга тушиб кетган «пилотлар»нинг натижалари ўрганилаётир.

«Худудгазтаъминот» АЖ матбуот хизматининг маълумотларига кўра, ГНХАТни жорий этишга тайёргарлик 2017 йилдаёқ бошланган. 2018–2019 йилларда газ таъминоти ва истеъмоли шароитлари турлича бўлган жойларда лойиҳалар ишга туширилди, улар доирасида истеъмол ҳажми ва маълумотларни беришни онлайн режимда кузатиб бориш имкониятига эга ҳисоблагичларни ўрнатиш назарда тутилган. Тажрибани оқилона амалга ошириш учун турли ишлаб чиқарувчиларга (ҳам маҳаллий, ҳам хорижий) тегишли бўлган, дарвоқе, улар орасида ўлчов асбоблари бозорида донгдор бўлган компанияларнинг ҳам, газни ҳисоблаш асбоблари қўллаб қўрилди.

Хусусан, Қйрай тумани «Усмон Юсупов» маҳалласининг Обихаёт ва Қорасув кўчаларидаги уйларга 189 та «Itron» газво марказидаги (АҚШ) газни ҳисоблаш асбоблари ўрнатилди. «Алишеробод» маҳалласида эса «Pietro Fiorentini» компаниясининг (Италия) 114 та ҳисоблагичи ўрнатилди.

«Sensus» (Ўзбекистон) газни ҳисоблаш асбобларидан 200 таси тажриба тариқасида Тошкентдаги Семашко ва Қорасув бўйи кўчаларида қад ростлаган уйларда ўрнатилди. Бектемир тумани «Мажнунтол» маҳалласидаги уйларда эса «Газдевайс» АЖнинг (Россия) 40 та ҳисоблагичи ҳамда «Курс» компаниясининг (Украина) 41 та табиий газни ҳисоблаш асоби «айланишни» бошлади.

Бундан ташқари, туманлардаги маҳалла фуқаролар йиғинларини газ билан таъминлаш тизими соддалаштирилди. Бу газни сановат, коммунал ва маиший истеъмолчилар ўртасида уларнинг талабига мувофиқ тенг равишда тақсимлаш имконини берди. Энг муҳими – газ сарфи, куптилмаган вазиятларнинг юзага келиши ҳақида телеметрия тизими каналлари орқали диспетчерлик пунктига тезкор ахборот етказиш имконияти тугилди.

Бешинчи босқичдаги ГНХАТ пилот лойиҳаси дастлабки яқунларининг кўрсатишича, пойтахт шаҳар ва Тошкент вилоятида газ таъминоти сезиларли равишда яхшиланди



ва табиий газни истеъмолчиларга етказишда технологик йўқотишлар ҳажми қисқарди.

Электрон газ ўлчовчи асбобларининг яна бир афзаллиги ахборотни тезкор узатиш бўлди. Бу эса диспетчерларга мониторингди манзарани кўриб туриш ва баҳолаш имкониятини берганлиги сабабли юз берган авария ҳолатларида бир зумда муносабат билдириш имконини яратади.

Электрон ҳисоблагичларнинг бепул ўрнатилганлиги тажриба ҳудудида яшаётган истеъмолчилар учун анчайин қулай бўлди. Лойиҳа абонентларни назоратчи инспекторларнинг газни ҳисоблаш асбоблари кўрсаткичларини қиёсповдан ўтказиш учун тез-тез қатнашидан озод этди. Бу эса, ўз навбатида, кўрсаткичлар мос келмаганда юз берадиган баҳслашувларнинг ҳам олдини олди.

Тажриба ҳудудида «сотувчи-харидор» муносабатлари билан боғлиқ бўлган ихтилофли вазиятларнинг олдини олишга эришилганлиги ҳам ижобий натижадир. Ўз мажбуриятларини бажаришда ҳар икки томон масъулиятни намойиш этди. Етказиб берувчи хизматларни сифатли ва тўлиқ ҳажмда амалга оширди, истеъмолчи эса, тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб, юқори даражадаги тўлов интизомини намойиш этишди.

Тажриба иштирокчиларининг фикрларига кўра дея хабар беради «Худудгазтаъминот» АЖ матбуот хизмати, ГНХАТни жорий этиш доирасида қўйилган вазифалар бажарилди. Пилот лойиҳаси давомида қўлланилган ўлчаш асбоблари яхши натижаларни берди. Уларнинг сифати ва ишлатилиши юзасидан истеъмолчилардан эътирозлар тушмади. Иштирокчилар ўзлари учун яхши ахборот ва билимларга эга бўлишди.



Таъхририят почтасидан

Йўлакдаги электр шчити кимнинг ҳисобидан таъмирланади?



Бизга замонавий электр ҳисоблагични ўрнатишди. У жуда катта кўрсаткичларни кўрсата бошлади. Ҳақиқатда биз бунчалик кўп электр энергиясидан фойдаланмаймиз. Туман электр станцияси (ТЭС) ходимини чақиртирдик. У ҳам кўрсаткичлар ошириб юборилганини тан олди. Бунда йўлакка ўрнатилган электр шчитнинг техник ҳолати сабабчи бўлаётганини, уни тузатиш лозимлигини айтди. Электр шчитга кўз ташлаганимда мен ҳам шунга амин бўлдим. Ҳатто мутахассис бўлмаган одам ҳам бу рақамлар ниҳоятда катта эканлигини тушунар эди. Симларнинг ҳаммаси эски, чалкашиб ётибди, очилиб, изоляциясиз қолган жойлари ҳам кўп. Тағинам менинг ҳисоблагичим яхшироқ эди. Икки кўшнимнинг ҳисоблагичлари эса умуман симида осилиб ётибди. Ҳисоблаш асбобларини ўрнатишга жалб этилган пудратчилар ишларни биз йўқлигимизда бажаришган. ТЭС ходими бунда ўзимиз айбдорлигимизни айтди.

Зинапола панжарасидаги электр шчитнинг техник ҳолати учун ким жавоб беради, уни ким таъмирлаши керак?

– Йўлаклардаги электр шчитлар кўп квартирали уйдаги турар жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулкига қарашлидир. Бу Уй-жой кодекси (124-модда), амалдаги «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун (18-модда), қабул қилинган, лекин 2020 йилнинг 1 августига қадар кучга киритилмаган «Кўп квартирали уйлари бошқариш тўғрисида»ги Қонунда (6-модда) назарда тутилган. Мазкур қонун ҳужжатларида кўп квартирали уйда, хусусан, **жойлар ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган электр, санитария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа ускуналар ва қурилмалар умумий мол-мулк ҳисобланиши белгиланган.**

Кўп квартирали уйдаги турар жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулки ҳисобланган электр шчитнинг ҳолати учун бошқарув органи жавоб беради, яъни бунинг учун ё ХУМШ, ёхуд уй кенгаши (кўп квартирали уйлар мулкдорлар жамоаси томонидан бевосита бошқарилганда) ёхуд бошқарув компанияси (ХУМШ бўлмаганда) масъул бўлади.

Электр шчитни таъмирлаш мулкдорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган ишлар режаси, даромад ва харажатлар сметасига киритилиши керак. Лекин

амалиётда кўплаб ХУМШ бу ишларни пайсалга солади (авария ҳолатига келмагунча парво қилишмайди).

Ҳозирда ширкатлар кредитларни сўндирмоқда, маблағларининг чўғи камайган, жорий ишларни бажариш учун харажатларни учма-уч амалга оширмоқда. Умумий ёндашув куйидагича: ишлар режалаштирилиб, хомчўт қилиниб, тасдиқланиб бўлганда ширкатда (ёки бошқа бошқарув органида) маблағ етишмаслиги туфайли электр шчитни таъмирлаш бўйича муаммолар юзага келса, мулкдорлар бошқарув органи раҳбарияти билан келишилган ҳолда уни ўз ҳисобларидан тузатиб қўйишлари мумкин. Бунда харажатлар кейинчалик ўзаро ҳисоб-китоб қилинади. Бу ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 30-моддаси ва Кўп квартирали уйлари бошқариш ҳақидаги Қонуннинг 16-моддасида назарда тутилган. Ҳужжатларда белгиланишича, айрим ҳолларда ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши жой мулкдори томонидан мажбурий бадалларнинг бир қисмини тўлашнинг пул шаклини унинг умумий харажатлардаги иштирокининг бошқа турларига алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин, бунда асос сифатида аризаچининг ёзма хабарномаси ва умумий йиғилишнинг баённомаси керак бўлади.

Реклама

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Тағлимаржон кўч., 1/1.

Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz





Меросга бўлган ҳуқуқсиз

Қайд этилган никоҳдаги турмуш ўртоғи вафот этган. Аёли ва вояга етмаган болалари – туғишган қизи ва аёлининг биринчи турмушидан ўғли қолган. Ҳаммалари хусусий уйда прописка қилинган, мерос расмийлаштирилаяпти.

Туғишган бўлмаган ўғил мероснинг бир қисмини олишга ҳақлими?

– Ворисликда фақат фарзандликка олинган болалар туғишган қариндошларга тенглаштирилади (ФК 1134-м. 2-қ.). Сизнинг ҳолатда, туғишган бўлмаган ўғил фарзандликка олинмаган бўлса, у меросхўр бўла олмайди ва мерос қолдирилган уй сотилганда унинг бир қисмига талабгор бўлишга ҳақли эмас.

Вояга етган болаларга алиментлар

Бола балоғат ёшига етганда, у таълим муассасасида ўқиётган бўлса, алиментлар тўлаш тўхтатиладими?

– Умумий қоидага кўра, бола балоғат ёшига етганида уни таъминлашга оид ота-оналарнинг алимент мажбуриятлари тўхтатилади.

Бироқ бола балоғат ёшига етганида, агар у меҳнатга лаёқатсиз бўлса, ота-оналар уни моддий таъминлашда давом этадилар (ОК 100-м.).

Балоғат ёшига етган бола коллеж, олий ўқув юрти талабаси бўлиб, кичик миқдорда стипендия олса, ўқиши учун ҳақ тўлаши зарур бўлса, ота-оналар ҳар ойда қатъий белгиланган суммада таъминлаш тўғрисида ихтиёрий битим тузишлари мумкин, битим нотариал идорада расмийлаштирилади.

Келишувга эришилмаган ҳолларда қарамоғида боласи бўлган ота-она ёки шу боланинг ўзи (вояга етган) қатъий суммадаги алиментларни мажбурий тартибда ундириш тўғрисидаги даъво билан жавобгарнинг яшаш жойидаги

судга мурожаат қилиши мумкин. Бунда ушбу даъвога боланинг меҳнатга лаёқатсизлиги ва муҳтожлигини тасдиқловчи қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- ногиронлиги тўғрисида ТМЭК ва бошқа ваколатли органнинг хулосаси;
- моддий аҳволи тўғрисида маълумот;
- стипендия миқдори тўғрисида маълумот;
- бола кун давомида ўқиш билан бандлиги, шу сабабли ишлаш имкони йўқлиги тўғрисида ўқув муассасасидан маълумотнома;
- боланинг соғлиги ҳолати тўғрисида тиббий маълумотнома (ОСПнинг 29.07.2016 йилдаги 11-сон қарорининг 9, 10-бандлари).

Муборак Отажонова,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Эълон

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

лойиҳаси доирасида «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти обуначилари ҳамда «Norma» дастурий маҳсулотларидан фойдаланувчилар

200-00-59

телефони орқали

(шахарлараро кўнгираклар учун кодлар: уяли телефондан +99871, стационар телефондан 0371) солиқ солиши ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларига экспертларимиздан жавоб олишлари мумкин. Ҳафтанинг 5 кунли давомида соат 10.00 дан 17.00 гача. Тушлик вақти соат 13.00 дан 14.00 гача.



Давлат божи тўламасдан даъво билдириш

Корхона пул маблағлари етарли бўлмаганлиги сабабли картотекага киритилган. Муддати кечиктирилган қарзи бўлган контрагентлар бор. Корхона уларга нисбатан иқтисодий судга даъво билдирмоқчи, лекин давлат божини тўлашга имкони йўқ.

Корхона давлат божи тўламасдан иқтисодий судга даъво билдириши мумкинми?

– Муддатни кечиктириш тўғрисида илтимоснома, шунингдек счётида маблағлар мавжуд эмаслиги тўғрисида банк тасдиқномаси бўлган тақдирда давлат божини тўламасдан иқтисодий судга даъво билдириш мумкин.

Даъво аризасига булардан ташқари, давлат божи ва почта харажатлари тўланганини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади (ИПК 151-м. 1-қ. 1-б.). Иқтисодий судга даъво билдирилганда ушбу ҳужжатларнинг тақдим этилмаганлиги даъвогарга даъво аризасининг қайтариб берилиши учун асос бўлади.

Бунда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахсларга пул маблағлари мавжуд бўлмаганда, хизмат кўрсатувчи банкнинг тасдиқномаси бўлиши мажбурийлиги шарт билан суднинг ажримига биноан давлат божини тўлаш муддатини кечиктириш тақдим этилади. Банк тасдиқномасига судга мурожаат қилинган санадан кўпи

билан 3 кун олдинги сана қўйилиши лозим («Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси 27-қисми).

Давлат божини тўлаш муддатини кечиктиришга эришиш учун ёзма илтимоснома тақдим этишингиз лозим. У даъво аризасида ёки алоҳида аризада баён этилиши мумкин. Илтимоснома алоҳида ариза кўринишида тайёрланган бўлса, у даъво билан бир вақтда тақдим этилади, сабаби даъво аризаси берилмагунга қадар иқтисодий суд томонидан давлат божини тўлаш муддатини кечиктириш тўғрисидаги илтимоснома қабул қилинмайди.

Илтимосномада давлат божи тўлаш муддатини кечиктириш учун асослар келтирилиши лозим, унга даъвогарнинг мулкый ҳолати туфайли даъво аризасини беришда бож тўлашга имкони йўқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Павел Сильнов,
«Norma» МЧЖ эксперти.



НКМсиз тижорат

Юридик шахс Интернет орқали хизматлар кўрсатиш билан шуғулланмоқчи. Аҳолидан тўловларни нақд пул шаклида олмоқчи эмас. Электрон тижоратни амалга оширадиган юридик шахс НКМ харид қилмаса ҳам бўладими?

– Сизда НКМ бўлиши шарт эмас.

Электрон тижоратда ҳисоб-китоблар қуйидагилар орқали ҳам амалга оширилади:

➢ электрон тўлов воситасида – ҳисоб-китоб терминали ёки виртуал терминал (Е-POS) ҳамда банк корпоратив карталаридан фойдаланган ҳолда. Бунда тўлов тизими сотувчи ва харидорга электрон чек ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этади;

➢ банк ҳисобрақамидан пул маблағларини ўтказиш воситасида – шахсий кабинет ёки чакана тўловлар тизими орқали (Қоидаларнинг 48-банди, ВМнинг 2.06.2016 йилдаги 185-сон қарорига 1-илова).

Электрон тижорат иштирокчилари томонидан хизматлар кўрсатиш жараёнида ахборот тизимлари томонидан шакллантирилган, битимлардаги томонларни идентификациялаш имкони берувчи электрон чеклар, квитанциялар, хабарлар ва бошқа усуллар товарлар (хизматлар) учун тўловларни тасдиқловчи квитанциялар, талонлар, чипталар ва бошқа ҳужжатларга тенглаштирилади. Виртуал терминаллар (Е-POS) шунга ўхшаш НКМ ва ҳисоб-китоб терминалларига тенглаштирилади (14.05.2018 йилдаги ПҚ-3724-сон қарорнинг 1-банди).

Нурали Нурмухамедов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Қоғоз меҳнат дафтарчаларини юритиш шартми?

Меҳнат дафтарчаларини юритиш бўйича йуриқнома талабларини бажариш лозими ёки маълумотларни «ЯММТ» ИДАКга киритишнинг ўзи етарлими?

– Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йуриқнома (АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ҳам, Меҳнат кодекси ҳам «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро аппарат-дастурий комплекси (31.10.2019 йилдаги ПҚ-4502-сон) жорий этилганидан кейин бекор қилинмаган ҳамда ушбу ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилмаган.

Мавжуд қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчаларини «ЯММТ» ИДАКда меҳнат шартномалари мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган ҳолда биргаликда юритиш ва 2020 йилнинг бошидан янги ишга қабул қилинган ходимларнинг меҳнат шартномаларини уларга қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчаларини харид қилмаган ҳолда рўйхатдан ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Реклама


«КИЧИК ҚОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»
Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этишимиз
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.
Тел: (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

ЯММТга қандай маълумотлар киритилади

– Жисмоний шахслар ўз ташаббуси билан аввалги меҳнат фаолияти даврлари тўғрисидаги маълумотларни мустақил равишда «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексига киритишлари мумкин.

Киритилган маълумотлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси органлари томонидан ёзувлар киритилгандан кейин 15 кун мобайнида тасдиқланиши лозим (Низомнинг 54-банди, ВМнинг 5.12.2019 йилдаги 971-сон қарорига 1-илова).

Электрон меҳнат дафтарчасида (Схема, Низомга 2-илова) меҳнат шартномаси тузилгани, унга ўзгартириш киритилгани ва бекор қилинганлигини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотларга асосан



ходимнинг меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотлар шакллантириш бўйича масъулият иш берувчининг зиммасига юкланади. Электрон меҳнат дафтарчаси ушбу маълумотларга асосан автоматик равишда шакллантирилади.

Иш берувчиларнинг мажбуриятлари қонун ҳужжатларида батафсил баён этилмаган.

Мунтаздан «касал» бўладиган ходимни қандай ишдан бўшатиш мумкин

Ходим ярим йил олдин ишга жойлашган, бироқ ишга чиқмаяпти. Касаллик варақаларини мунтаздан тақдим этаяпти. 2019 йил 30 декабрда компаниянинг ички тартиб қоидалари тасдиқланган, уларга асосан ходимнинг иш жойида 3 соат мобайнида бўлмаслиги меҳнат вазибаларини кўпол равишда бузиш ҳисобланади. Ходим 3 январдан бугунги кунга қадар иш жойида бўлмаган. 2020 йил 4 февралда меҳнат вазибаларини бир марта кўпол равишда бузганлиги учун ходим ишдан бўшатишга тўғрисида хабарнома юборилган, бироқ у 13 январда очилган ва яна давом эттириладиган касаллик варақасини жўнатган.

Иш берувчи бундай ходимни қандай ишдан бўшатиши мумкин?

– Меҳнат вазибалари бир марта кўпол равишда бузилганлиги учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асосий шартларидан бири меҳнат вазибаларини кўпол равишда бузишлар рўйхатини ички меҳнат тартиби қоидаларига киритиш ва, табиийки, ходимни ушбу қоидалар билан таништириш ҳисобланади. Ушбу қоидалар корхонангизда фақат 2019 йил 30 декабрда – йилнинг охириги иш кунини тасдиқланган. Йилнинг биринчи иш кунидан ходим ишга чиқмаган ва табиийки, ушбу ҳужжатлар билан таништирилмаган.

Қоидалар билан таништирилмасдан ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги хабарнома

ходимга унинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик даврида юборилганлиги муносабати билан мазкур даврда ушбу асосларга кўра у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли эмассиз (МК 100-м. 2-қ. 4-б., 3-қ.).

Кейинчалик меҳнат вазибаларини бир марта кўпол равишда бузганлиги учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш зарурати туғилганда, ушбу асосга кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш бир вақтнинг ўзида интизомий жазо турларидан бири ҳисобланишини инобатга олиш лозим. Бунда иш берувчи интизомий жазо қўллаш тартиби ва муддатларига риоя этиши шарт (МК 182-м.).

Жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун касба уюшмаси кўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилишини олиш назарда тутилган бўлса, шартномани бундай розиликни олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди (МК 101-м.).

Ходим айбли хатти-ҳаракатларни содир этганлиги туфайли меҳнат шартномаси бекор қилинганда (МК 100-м. 2-қ. 3, 4-б.) иш берувчи 3 кун олдин ходимни ёзма равишда (тихлат олиб) меҳнат муносабатлари тугатилганлиги тўғрисида хабардор қилади ва зарурат бўлганда унга лозим бўлган миқдордаги компенсацияни тўлаб беради.

Ходим ўз вазибаларини бир марта кўпол равишда бузилганлиги сабабли иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ходимга қўйидаги тўловлар тўланади:



– ишланган кунлар учун иш ҳақи (мавжуд бўлганда);
– фойдаланилмаган меҳнат таътили учун компенсация (мавжуд бўлганда);
– ходимга меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисидаги огоҳлантириш муддати ўрнига тўланадиган компенсация.

Меҳнат вазибалари бир марта кўпол равишда бузилганлиги туфайли меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатиш нафақаси ва ўртача ойлик иш ҳақи иккинчи ва учинчи ойларда тўланмайди (МК 67, 109-м.).

Муддатли меҳнат шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганда неустойка тўлаш шартлари ва миқдори шартнома шартларига киритилган бўлса, ходим иш берувчига неустойка тўлайди (МК 104-м.).

Иш берувчи ходимга меҳнатга лаёқатсизлик варақасини берган даволаш муассасасига сўров юбориб, варақа қонуний асосда расмийлаштирилганлиги ва берилганлигини текширишга ёки меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг асосли равишда берилганлигини текшириш учун унинг нусхасини илова қилган ҳолда поликлиниканинг юқори турувчи ташкилотига мурожаат қилишга ҳақли.

Валерия Ляндрес, кадрлар хизмати ходими.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ
ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz
gazeta@norma.uz
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
(71) 231-07-91 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «ТОРПРИНТ» М-ДЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 166. Қўғоз беҳим – А3. Ҳажми – 2 босма таъб. Баҳоси келишилган нарҳда.
Буюртма г-422. Адади 555. Газета 2020 йил 6 апрель соат 13.40 да топширилди.